

Чошгоҳ намозини ўқиш кўплаб ажру савоб, хайр-барака, файзу футуҳга сабаб бўлади



04:00 / 19.08.2022 1954

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий алайҳиссалом: «Ким зуҳо (чошгоҳ) намозини муҳофаза (бардавом) қилса, унинг гуноҳлари, гарчи денгиз кўпигича бўлса ҳам, мағфират қилинади», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Бу ҳадисдан чошгоҳ намози ўқиш жуда ҳам савобли амал экани очиқ-ойдин кўриниб турибди. Бу намоз кўплаб ажру савоб, хайр-барака ва файзу футуҳга сабаб бўлиши таъкидланмоқда. Бу намознинг вақти қуёш чиқиб бўлгандан заволгача давом этиб, энг афзал вақти қуёш ерни қиздирган вақтидир. Ривоятларда чошгоҳ намози икки ракъатдан саккиз ракъатгача бўлиши зикр қилинади. Демак, ҳолат ва имкониятга қараб ушбу икки рақам орасидаги ададда чошгоҳ намозини ўқиса бўлаверади. Вақти оз одам икки ракъат ўқиса ҳам, чошгоҳ намози ўқиган бўлади. Имкони кенг одам кўпроқ ўқиса, яна ҳам яхши. Энг муҳими, ўқиш керак.